

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
бу юк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 2 июнь, № 107 (4260)

Шанба

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

“Ўзбекқишлоқмаш” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техника воситалари нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам сифати ва самарадорлиги билан эътибор қозонган. Айниқса, кейинги йилларда корхонанинг модернизация қилиниб, ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жалб этилаётгани ютуқлар омили бўлмоқда.




## ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ — ЭКСПОРТГА

Жорий йилнинг биринчи чорагида 1 млрд. 389,8 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, узиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 115, 03 фоизни ташкил этгани, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Қозоғистон давлатларига 267,8 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилингани бунинг далилидир.

Корхона тарихига назар ташланса, ярим асрдан зиёд вақт давомида бу ерда 40 дан ортик қишлоқ хўжалиги техника воситаларининг янги авлоди иштиро қилиниб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилгани аён бўлди. Эътиборлиси, бугунги кунда ҳам бу анъана давом этмоқда.

Ҳозир корхонада 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларга маъмурият томонидан барча шарт-шароит яратилгани тўғрисида айтиш мумкин.

**С. ҲАЙДАРОВ,**  
“Халқ сўзи” мухбири.  
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.  
Темур ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар.



## ҚАРОР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йуналиши ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувори йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур барча қўлай шароитларни яратиш борасидаги ишларни давом эттириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Зеро, мазкур соҳа иқтисодий эътиборни ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз иқтисодий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фазл ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Тадбиркорларга яратилаётган қўлайликлар, жумладан, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш масаласида янги тартиб — икки кун ичида хабардор қилган ҳолда рўйхатга олиш тизимининг жорий этилгани уларнинг сафини янада кенгайтирмоқда. 2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони қарийб 350 мингга етгани ва бу 2000 йилдагига нисбатан 2,3 марта кўпчилиги ушбу фикрнинг исботидир.

Тадбиркорлар сони кўпайётгани қувончли, ammo эркин рақобат муҳитига асосланган бозор шароитида очилаётган бизнес субъектларининг барчаси ҳам бирдек фаолият юритолмаслиги табиий. Хар хил иқтисодий шароитга мослаша олиш қобилиятига эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар ночор аҳволга юз тутади. Бундай корхоналарга нисбатан банкротлик таъминини ўз вақтида қўлаб, уларни соғломлаштириш ёки тугатиш чоралари қўрилмаса, умумий иқтисодий ўсish қимматга тушиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини иқтидорий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори айтиш шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган семинарда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Солиқ, Статистика давлат қўмиталари ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этган тадбирда номи зикр этилган қарорга мувофиқ, 2007 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини иқтидорий тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)нинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши таъкидланди.

Қарорнинг муҳим жиҳати

шундаки, унда тадбиркорлик субъектларини иқтидорий тугатиш механизми ишлаб чиқилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқат тугатиш жараёнида иштирок этувчи рўйхатдан ўтказувчи орган, давлат солиқ хизмати, ички ишлар ҳамда банк муассасаларининг вазифалари аниқ белгиланган.

Бундан ташқари, иқтидорий тугатиш жараёнини ўз вақтида амалга ошириш, уларнинг очкичилигини таъминлаш мақсадида иқтидорий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти — юридик шахсларга қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, рўйхатдан ўтказган орган тадбиркорлик субъектини — юридик шахсни иқтидорий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти тўхтатилади. Шу муносабат билан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаш ҳам тўхтади. Шунингдек, муассасаларнинг иқтидорий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти — юридик шахснинг мажбуриятларини бажаришга йўналтирилган маблағларидан солиқ олинмайди.

Истиқболсиз корхонанинг ўз вақтида тугатилиши унинг негизда янги соғлом мулк сектори пайдо бўлиши учун замин яратиши. Бу иқтисодий эътиборнинг соддалаштирилиши ўзига хос усули бўлиб, тараққиётга хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## ИСТИҚЛОЛДАН РАҒБАТ ОЛАЁТГАН БОЛАЛАР

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Ватан фарзандлари — юрт келажаги” мавзусидаги анъанавий республика кўрик-танлови гойибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ёшлар иқтисодий ҳаракати ҳимойидаги “Камалот” болалар ташкилоти, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида

гойибларини қўлга киритган 56 нафар ўқувчи иштирок этди. Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази раҳбари Х.Зокированинг таъкидлашича, бугунги болалар истиқлолимиздан том маънода рағбат олиб ўлғайётган авлоддир. Хар бир ишга меҳр, иштиёқ ва фидойилик ҳисси болаликдан бошланади. Шу боис мамлакатимизда ёш авлоднинг озу-истаги, интилишларини қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, келгусида улардан

етук шахслар етиштириш чизиқлари ҳар томонлама шароит яратиш ишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кўрик-танловдан қўзланган асосий мақсад ҳам юртимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хўнара ўргатиш, улуг аждодларимиз ҳаёти ва ижоди билан таништириш баробарида иқтидорлигини аниқлаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини синдириш, ватанпарвар, фидойи инсонлар этиб тарбия-

лаш ишига ҳисса қўшишдир. Шу мезондан келиб чиқиб, танлов иштирокчилари ўрта шарт бўйича синовдан ўтказилди. Улар, жумладан, улуг мутафаккирларимиз ҳаёти ва ижоди, юртимиз тарихига оид саволларга жавоб бериши, шеър айтиш, расм чизиш, ватанпарварлик ҳақида плакатлар тайёрлаш, ҳайкалчапар ясаш, халқ мақоллари ва ибораларини изохлаш ҳамда “Ўзбекистон — келажаги буюк давлат” мавзусида ҳикоя ёзиш каби талабларни бажаришди. Барча шартларни аъло даражада ўқидиган Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида-

ги 324-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Азиз Соҳидов, Сурхондарё вилояти Сароисиё туманидаги 52-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Умида Одилова, Навоий вилояти Навбахор туманидаги 18-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ситора Хосилова ҳамда Қашқадарё вилояти вакиллари — Қосон туманидаги 11-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Зарнор Рустомова ва 9-синф ўқувчиси Жобир Исмаилов, Қўлоб туманидаги 25-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Мирраиз Исмаилов биринчи ўринни эгаллади. Танлов гойибларига эътибор қилиниши таъкидланди. Ёш иштирокчилар байрам концерти болаларга янада заъв бағишлади.

(ЎЗА).

## РАСМЛАРДА ЮРТ ЖАМОЛИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида болаларнинг 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган расмлари кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танлов “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Халқ таълими вазирлиги, Болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсупова, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали

Кўзиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга пухта таълим-тарбия бериш, оила, оналик ва болалар манфаатларини иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ушбу анъанавий кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар иштирок этди. Танлов учун

тақдим этилган расмларда болаларнинг она-Ватан, атоқ-олам ҳақидаги тасаввурлари, беғубор оруз-умидлари содда ва самимий тарзда, ёрқин бўёқларда акс эттирилгани билан аҳамиятлидир. Кўрик натижаларига қўра, пойтахтимиздаги 94-мактаб ўқувчиси Сабина Пулатова, Андижон вилояти Булқоб-шў тумани 16-мактаб ўқувчиси Нозимжон Раҳмонов, Фарғонадаги 2-мактаб ўқувчиси Далер Бурхонов каби йигирма нафар иштирокчи танловнинг турли йўналиш ва номинациялари бўйича гойиб деб топилди.

**Нозоқат УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### «Биз баркамол авлодмиз»

“Камолот” ёшлар иқтисодий ҳаракати Марказий Кенгашида “Иқтисодий ҳимоя йили” ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига муносабати билан “Бахтиёр болалик” номи республика кўрик-танлови ва “Биз баркамол авлодмиз” мавзусида байрам дастури бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Сен ёлғиз эмассан” Республика жамоатчилик жамғармаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда 12 нафар бола диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Байрам тадбирида Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент вилояти ва пойтахтлик болалар ўз бадиий чиқишлари билан кечага файз киритишди.

О. ФАЙЗИЕВ



2007 йилнинг биринчи чорагида республикамизда очилган жами иш ўринларининг

25 фоизи касаначиликка тўғри келди

Бу бандликни таъминлаш бўйича ҳудудий дастурлар талабларини бажариш, хусусан, йирик саноат корхоналари билан шартномалар асосида касаначиликни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорвачиликни рағбатлантириш, оилавий тадбиркорликни қўлаб-қувватлашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасидир.

### Балли, Қувончбек!

Екатеринбург шаҳрида профессионал бокс бўйича “Николай Валув кубоги” халқаро турнири бўлиб ўтди.

Унда қатнашган юртдошимиз Қувончбек Тойғонбоев танзаниялик боксчи Ҳасан Матмулага қарши рингга чиқиб, ўзининг WBO (жаҳон бокс ташкилоти) йўналиши бўйича “Asia Pacific” чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилди.

Ун икки раунд давом этган жангда Қувончбек рақибдан ҳар жиҳатдан устун ҳаракат қилиб, навбатдаги ғалабага эришди.

З. ЖОНИБЕКОВ,  
“Халқ сўзи” мухбири.

### Кимнинг рақси чиройли?

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси ташаббуси билан миллий рақс ижрочиларининг республика кўрик-танлови ўтказилди.

“Устозга эҳтиром” мавзусида ўтган ушбу танлов Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланди. Унда ижодий беллашувини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқинчида гойиб қилган иштирокчилар қатнашди.

Мамлакатимизда миллий рақс санъатини янада ривожлантириш, унинг тарихий анъана ва усулларини тиклаш, асраб-авайлаш, хар томонлама рағбатлантириш борасидаги эзгу ишлар ўз

самараларини берапти. Айни пайтда улар нафақат республика миқёсидаги тантаналар, балки Япония, Россия, Германия, Франция, Бельгия каби давлатларда ўтказилаётган концертлар, мусликй кеча ва фестивалларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Танловда биринчи ўринга “Ўзбекистон” ансамбли раққосаси Альбина Шарофеева ҳамда “Офарин” ансамбли раққосаси Нарғиза Ҳайиталиева лойиқ топилди. Тадбир санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокчидаги катта концерт дастури билан якунланди.

(ЎЗА).



### Тараддуд қизгин

Тошкентда бўлиб ўтадиган “Универсиада-2007” спорт мусобақалари яқинлашгани сайин талаба ёшлар ўртасида ҳозирлик ишлари кучайиб бормоқда.

Гулистон Давлат университети ёшлари ҳам спорт анжуманида ҳар қачонгидан юкмак натижага эришишни мақсад қилиб қўйишган.

— Мусобақаларга жиддий тайёргарлик қўраётимиз, — дейди университет жисмоний тарбия кафедраси мудири Жамолддин Камолов. — Машғулотлар кўнига икки мартабадан ўтказилапти. 139 нафар энг иқтидорли, энг сара талабаларимиз “Универсиада-2007” мусобақаларида иштирок этишади.

А. ХОНИҚУЛОВ,  
“Халқ сўзи” мухбири.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан “Навқирон Самарқандга таъзим” деб номланган фольклор-этнографик жамоаларининг республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Ижро этилган қадимий қўшиқлар, рақслар, халқ оғзаки ижоди ва фольклор намуналари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

### «Сардоба» — олий ўринда

Кўрик-фестиваль Шердор мадрасасида ниҳоятга етди. Олий ўринга Навоий вилоятининг «Сардоба» фольклор-этнографик жамоаси сазовор бўлди. Самарқанднинг «Чавқи» ва Сурхондарёнинг «Булбулгўё» фольклор-этнографик жамоалари биринчи ўринга лойиқ қўрилди.

Ҳойилар, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаётганлар ҳамда номинациялар бўйича гойиб, деб топилганлар дипломлар ва эъдалик совғалари билан тақдирландилар.

А. САТТОРОВ,  
“Халқ сўзи” мухбири.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Йўлингиз бехатар бўлсин!

Аминжон Қайимов қарийб 25 йилдирки ҳайдовчилик касбини улуғлаб келмоқда. У шу йиллар давомида ҳалол меҳнати тўғрисида эл-юрт, касб-дошлари орасида обрў-эътибор топди.



«Қашқадарётехнологиктранспорти» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 2-автосарой ҳайдовчилари ўзларига бириктирилган транспорт воситалари билан мамлакатимиз халқ ҳўжалиги учун зарур юкларни ўз вақтида ва бетафолат етказиб беришда бой тажрибага эга. Шу боис ушбу корхонага қўллаб-қувватлашлардан буюртмалар тушмоқда.

— Қасбимизнинг ўзига хос жиҳатлари бор, — дейди А. Қайимов. — Айтайлик, hafta бошида «КамАЗ»га юк ортиб, Қаршидан Фарғонага йўл олсак, у ердан Бухоро сари жўнаймиз. Ҳайдовчи учун биринчи асосий шарт транспорт воситасининг соғлиғи, иккинчиси ҳўшёрликдир.

СУРАТДА: ҳайдовчи А. Қайимов йўлга отланмоқда. 3. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

## Касаначи алоқачилар

«Сурхондарётелеком» филиали Қизилқум телекоммуникация боғланмаси Кунчиқиш маҳалласида яшовчи Тожи Чўбоевни касаначи сифатида ишга қабул қилди. Чўбоев уйдига телефон орқали ҳамжишюқларига хизмат кўрсата бошлади.

Натижада чекка қишлоқ одамларининг узоғи яқин, мушкуллари осон бўлди. Бундан ташқари, ташкилотнинг газнасига бир ойда 100 минг сўмдан зиёд қўшимча маблағ тушди.

— Биз 10 га яқин узоқ қишлоқларда ҳам шу тажрибани қўлламоқчимиз, — дейди боғланма бошлиғи Уктам Холмуродов. — Идораимиз қошида бошқа хизмат турлари бўйича ҳам касаначилик йўналишида 10 та янги иш ўрни яратамиз.

## «Истиқлолни улуғлаймиз»

Наманган тумани ёшларининг Тошбулоқ шаҳарчасидаги маданият саройида ўтказилган форуми «Айтинг, дўстим, нима қилдик Ватан учун?» деб номланди. Тадбир меҳмонлари — Ўзбекистон халқ шоири Икбол Мирзо

бошчилигидаги бир гуруҳ иходкорлар мушоирасида она юрт, истиқлол, маънавият, миллий қадриятларимизни улуғловчи шеърлар ангради. Бадиий ҳаваскорлар эса театрлаштирилган томоша намойиш этишди.

## Ибратли оила — юрт таянчи

Фузур туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежиде «Ибратли оила — юрт таянчи» мавзусида адабий кеча ўтказилди.

Унда коллеж талабалари билан бирга бутун ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган Эргаш бобо ва Фая ая Бозоровларнинг фарзандлари, шоғирдлари ҳам иштирок этишди.

Кеча қатнашчилари кекса педагогларнинг меҳнат фаолияти давомида кўплаб яхши шоғирдлар тайёрлаганликларини

алоҳида таъкидладилар. Бугунги кунда Эргаш бобо Бозоровнинг кўксини «Эл-юрт ҳурмати» ордени беэаб турибди. У маҳалла, туман, вилоят миқёсидаги жамоат ишларида қатнашиш билан бирга, бадиий иход билан ҳам шўгулланиб келаётти. Кечада ота-хонининг «Сарҳисоб» деб номланган китоби ўқувчиларга тақдим этилди.

## Ҳомийлар ҳиммати

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Фидокорлар Миллий Демократик партияси Тўртқўл тумани кенгаши ташаббуси ила 100 нафар кам таъминланган оила болаларига қимматбаҳо совғалар, кийим-кечаклар, спорт анжомлари тўхфа қилинди. Шунингдек, шаҳардаги маданият ва истироҳат боғи аттракционлари болаларга бепул хизмат кўрсатди.

## Кичкинтойлар эъзозда

Республика Болалар жамғармасининг Жиззах шаҳар бўлими «Ижтимоий ҳимоя йили»да кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ўзгалар қарамоғидаги етимлар ҳамда ногирон болалардан 160 нафарини шифохоналарда даволатиш, турли оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш ташаббуси билан чиққанди.

Яқинда камқонлик касаллигига чалинган ўғил-қизлардан 20 нафари Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги терапия ва тиббий реабилитация илмий текшириш институтига даволаниш учун юборилди. Бу билан айнан шу даргоҳда соғлигини тиклаб қайтган болалар сони 60 нафардан ошди.

Жамғарманинг шаҳар бўлими раиси Дилором Расулованинг таъкидлашича, йил охиригача ҳомийлар ёрдамида минг нафарга яқин бола Самарқанд, Бухоро шаҳрида, вилоятдаги турли зиёратгоҳларга бориб келишади.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Фарғона водийсига қилган хизмат сафарларнинг бирида бир онахон билан дилдан суҳбатлашиб қолдик. Онахон турмуш ўртоғи билан етти фарзанди уйли-жойли қилибди. У тўрт келинини бир хонадонга туширганни, бир-биридан ширин набиралари катта бўлишгаётганини айтди-ю, бироз хомуш тортиди. Сабабини сўрасак, тўнгич набиралари буй етиб қолибди, «Этдан тирноқни ажратиб бўлмайди-ю, лекин ҳеч бўлмаганда, иккита келини алоҳида уй-жойли қилишим керак, бўлмаса, Фармонбобиға ўхшаб, кимнидир норози қилиб қўйишим мумкин», деди. Биз бу инсоннинг қанчалик бағрикенглиги, фарзандлари бахти учун ҳар нарсга тайёрлигини англаб, унга тан бердик. Фарзандларини ўқитиб, илми, касб-хўнарни қилганига ҳавас қилиб, «Тоғам билан қўша қаринглар», деб тилак билдирдик.

# ТУП ҚЎЙИБ, ПАЛАК ЁЗИНГЛАР

Хулосам шу бўлдики, бу хонадоннинг икки эмас, балки уч нафар оиласи алоҳида яшаса, чол-кампира кексаликда кичкинтойлари фарзандлари билан қариллик гаштини сурса бўларкан. Минг шўрки, Президентимизнинг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айнан шу каби оилаларга, аниқроғи, тинчлик-тотувликда яшаётган, касби-хўнари бўлгани сабабли ўз меҳнати билан оиласини боқиб, жамиятга фойда келтиришга қодир бўлган оилалар, лекин ҳали ўз кам-қўстини тўла тўлдиролмаган, яхши яшаш истағида бўлганлар учун айниқса, муҳим вазифамиз бўлади, албатта.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкор ташкилотлар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда биринчи навбатда амалда ҳақиқатдан ҳам давлат томонидан берилмаган имтиёزلарга мўҳтож оилаларни аниқлаш, жамият томонидан ёш оилага нисбатан кўрсатилаётган ёрдамнинг манзилли бўлиши учун амалий чоралар кўриши даркор. Бу бизнинг дастлабки, муҳим вазифамиз бўлади, албатта.

Қолаверса, ёш оила учун бугунги кунда тезкор ахборот макони маъхўд, лекин улар, қориде таъкидлаганимиздек, даврга муносиб фарзандларни тарбиялашлари учун турли хизматларга, жумладан, оилашунос олимлар, педагоглар маслаҳатла-

галликда амалга оширишимиз даркор. Оила — бу инсонлар мақсад-муддаолари билан қовушадиган Ватан ичидаги мўъжаз даргоҳдир. Уни асраб-авайлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Шунинг учун ҳам Фармонни ўқиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар нақадар улкан, шу билан биргаликда, сабабли эканлигини, бу ишларни амалда бажаришга ҳар биримиз улкан қалб ва тоза ниятлар билан киришишимиз даркорлигини тўла англадик. Зеро, оила қурилди, унинг томирлари бақувват бўлсин, туپ қўйиб, палак ёзиб, ўз оила қўрғониде яхши ишларга бош-қош бўлиб, юртимиз раванки учун хизмат қилдиган кишилар яшайдиган масканларга айлانسин.

Васила КАРИМОВА, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, профессор.

## Муносабат

рига, психологларнинг қўмағига мўҳтож бўлиши ҳам табиий. Айнан шундай хизмат марказларини ташкил этиш, уларни етарли даражада қадрлар билан, қолаверса, услубий қўлланмалар билан таъминлаш ҳам ниҳоятда долзарб. Бизнинг ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширишимиз лозим бўлган хайрли ишларимиз айнан шуларга ҳам йўналтирилган бўлади. Бундан ташқари, биздаги бугунги таъриба ёш рўзгорлар учун «Еш оила» руҳида ўқишли китоблар, оммабоп мақолалар ёзишимизга имкон беради. Замонавий ёшлар учун уй-рўзгор юртишда, ўзаро муносабат-

## ЭЛ ИШОНЧИ — МАСЪУЛИЯТ

Чортоқликлар Абдурахим Зокировни яхши ниятлар билан Наманган вилояти кенгашига депутат қилиб сайлашган эди. Эл ишончи «Тулпан» сийҳатгоҳида бош шифокор бўлиб ишлаётган Абдурахимга катта масъулият юклатди. У сайловчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, ечимини кутаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига бош-қош бўлмоқда. Туманда янги иш ўринлари очилди, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга қўмаклашиш унинг кун тартибидеги доимий масалаларидан саналади. Балки эл-улус ҳурматиға сазавор бўлаётганиға ҳам ундаги ана шу фазилатлар сабабдир.

СУРАТДА: Наманган вилояти кенгаши депутати Абдурахим Зокиров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Бир-биридан 230 қақирим узоқ — Тошгузару Қумқўрғондан бошланган темир йўлнинг туташув масофаси кундан-кунга қисқармоқда: Оралиқ 18-20 километр қолди, ҳоло. Бироқ даралару қояларнинг ҳар қаричини кесиб ўтиш йўлсозларга осон бўлаётгани йўқ. Дарбандни Шўроб қишлоғи билан тўсиб турадиган тоғни азалаздан «темир дарвоза», деб атайдилар. Дарвоза қушлар ҳам уя қўйишдан ҳайқадиган қоялардан бошланади. Дараннинг эни ўттиз метр, узунлиги бир қақиримга чўзилган.



# КЕЛАЖАККА ЭЛТУВЧИ ИЗЛАР

— Ана шу дарада бир километрлик йирик сув ўтказиш иншоотини қуриш, яъни дарвозадан темир йўл тўйиғини очиш чекимизга тушган, — дейди 13-Тошкент кўприк қуриш отряди бригада бошлиғи Рустам Қаноатов. — Сегундаги беш-олти куб сел сувини ўтказадиган иншоотимиз битай, деб қолди. Яқин кунларда қурувчиларимиз «темир дарвоза»нинг қопқаларини очиб, поезд юргизадилар. Денгиз сатҳидан 1500 метр юқоридан поезд ўтади!

Биз Зоҳона довоининг тўбидамиз. Бу ерга Сайроб қишлоғидан — 40 метр бандликдан автомобиль йўли ўтадиган бу галерея «темир дарвоза»дан ҳам мустаҳкам бўлмоғи керак.

## Жараён

Зохонадан чиқиб, яна қурилиш бўйлаб юрамиз. Сурғичнинг бандлиғи икки қўлоч, эни уч қўлоч келадиган бульдозер ёнига бориб тўхтаимиз. — Мен «Ўзнефгаз» маҳсус қурилиш ташкилотиданман. Алибоев Улугбекман, — дейди машинадан сакраб тушган ёш йигит самимий

саломлашиб. — Бульдозернинг оғирлиғи эллик беш тонна! Японияники. Номи — «Комасу». Бойсун томонлардан сўз оцсангиз, Сиздан, албатта, янги темир йўл қурилиши ҳақида, у ерда ишлаётган икки мингга яқин одамлару 200 дан зиёд техника хусусида сўраб қолишади. — Янги йўлнинг транспорт коммуниқацияларини тақомиллаштириш воҳадаги табиий ер ости бойлиқларини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Қарши-Термиз минтақавий темир йўл узели касаба уюшмаси раиси ўринбосари Шавкат Турсунов. — Тўда рудасидан қазиб олинмаган қумир йўлига 500 минг тоннага етказилади. Хориж сармоядорлари ҳамкорлиғида бойсунда йирик цемент заводи қурилади. Хонжизадада бўлажак ярим металл ашёларини қайта ишлаш фабрикаси истиқболли ҳам бевосита янги темир йўл билан боғлиқ.


Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ФЕРМЕРНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Қорақалпоғистонда фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Бугун республикада 4,5 мингга яқин фермер пахтачилик, икки мингдан кўпроғи галлачилик, салкам бир ярим минг нафари полиз ва сабзавотчилик, мингга яқини чорвачилик ҳамда балиқчилик билан шўгулланоқда.

Тахтақўпри туманидаги Қувончбой Абуов раҳбарлик қилаётган «Қувонч» фермер ҳўжалиғи ҳам илғорлар сафиде бораёттир. Унинг тасаруфиде 110 гектар ер бор. Ҳўжалик аъзолари ўтган йили давлатга 50 тонна пахта сотиб, 18 миллион сўм даромад олди. Соф фойда тўрт ярим миллион сўмни ташкил этди. — Яқинда лизинг асосида «ТТЗ-80» маркази чўлқ трактори ва янги қўлтиватор тиркамаси сотиб олдик, — дейди ҳўжалик раҳбари Қ.Абуов. — Ишимиз анча энгиллашди, имкониятларимиз кенгайди. Айни пайтда ушбу техника ёрдамида гўза қатор ораларига ишлов берамиз. 30 гектар майдонда гўза, 13 гектар ерда бугдой парвариш-лапамиз.

А. ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА мухбири.



# ЖИДУда замонавий электрон кутубхона очилди

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бугунги кунда Марказий Осиёда ягона бўлган электрон кутубхона очилди. Мазкур кутубхонани яратиш лойиҳаси Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (КОИКА) техникавий ва молиявий қўмағи асосида рўёбга чиқарилди. Бунинг учун агентлик 850 минг АҚШ долларига тенг грант ажратди. КОИКА Ўзбекистонда 1995 йилда аккредитациядан ўтган. У Корея Республикаси ҳукуматининг техникавий қўмак кўрсатиши доирасида Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

Шу кунга қадар агентликнинг Ўзбекистонга молиявий-техник ёрдами умумий қиймати қарийб 16 миллион АҚШ долларига етди. КОИКА дастурлари доирасида Ўзбекистондаги турли вазирлик ва идораларнинг етти юз нафарга яқин вакили Кореяда маляка олишга қўйилди. Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг депутаты, мазкур мамлакат делегацияси раҳбари Ким Кван-вон «Жаҳон» ахборот агентлиғи мухбири билан Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати ва университетнинг профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳамда талабалар иштирок этиди.

Маросимдан сўнғ электрон кутубхонани кўздан кечирган тадбир иштирокчилари ЖИДУ талабалари, кутубхона ходимлари, корейлик кўнгилчилар билан мулоқотда бўлишди, сўнгра Корея маданияти музейини томоша қилдилар. Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг депутаты, мазкур мамлакат делегацияси раҳбари Ким Кван-вон «Жаҳон» ахборот агентлиғи мухбири билан Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати ва университетнинг профессор-ўқитувчилари жамоаси ҳамда талабалар иштирок этиди.

Электрон кутубхонанинг фаолият бошлаши ахборот технологиялари соҳасида университетнинг техник имкониятларини сезиларли даражада оширади, талабаларнинг ўз билим ва кўникмаларини такомиллаштиришида қўшимча шарт-шароитлар яратади.

2005 йилда бошланган лойиҳа ижроси доирасида Жанубий Корея томони зарур техника ва асбоб-ускуналарни етказиб берди. Шунингдек, Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатиш учун компьютерлар ва кутубхона иши соҳасидаги мутахассислардан иборат жаҳоний корейлик бир гуруҳ кўнгилчилар жалб этилди.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.

## Савол беринг — жавоб берамиз

Муштарийларимиз саволларига Халқаро ҳуқуқлар бўйича ихтисослашган юридик маслаҳатхона адвокати Малика МАЗБУДОВА жавоб беради.

## МЕРОС КИМГА ТЕГАДИ?

— Бир неча йилдирки, фарзандсизлик тўғрисида изтироб чекамиз. Бормаган жойимиз, кўринмаган шифокоримиз қолмади. Ниҳоят рафимам билан маслаҳатлашиб, бола асраб олишга қарор қилдик. Айтинг-чи, фарзанд боқиб олиш учун қандай талаблар қўйилади?

Ш. КАРИМОВ, Тошкент ш.ф.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддасига биноан, вояга етган эркек ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилик ҳисобланмишлари мумкин. Фарзандликка олиш буни хоҳловчи шахсларнинг аризасига биноан ҳамда вазийлик ва ҳимойлик органи тавсиясига қўра, туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

— Отам ҳаёти давомида орттирган мол-мулк, уй-жойини бошқа бировга васият қилиб қолдирди. Уни талаб қилишга меросхўрлик ҳуқуқим борми?

Б. ҚОРАХЎЖАЕВ, Чўст тумани.

— Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишини ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома эса ҳақиқий эмас. Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолатда туманлараро фуқаролик судига мурожаат қилиш лозим (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1120-1130-моддалари).

— Ёмғир ёғиб, ҳамма жойда қўлмақлар пайдо бўлган кун эди. Йўл четиде турганимда катта тезликда ўтаётган «Нексиа» машинаси уст-бошимга сув сачратиб юборди. Бу ҳатти-ҳаракати учун ҳайдовчига бирор чора белгилангани?

Б. ЁҚУБОВ, Янгиўй тумани.

— Бу ҳолатда шахс томонидан унча катта бўлмаган ҳатти-ҳаракат содир этилгани учун ҳеч қандай чора қўрилмайди. Бироқ ҳайдовчи одоб ва маданият юзасидан Сиздан кечирим сўраса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Яқинда хорижга чиқиш-келиш учун виза олдим. Лекин уч-тўрт ойдан сўнғ паспортимнинг амал қилиш муддати тугайди. Янги паспорт олаётганимда визам янгилаб бериладими?

Д. МУРОДУЛЛАЕВ, Гўлiston шаҳри.

— Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими янги паспорт олган шахсга виза қўйиб беришим лозим. Шу билан бирга, умумий асосларга биноан шахснинг қонунга хилоф ҳаракатлар содир этган ёки этмагани ҳам 7-10 кун муддат ичиде текшириб чиқилади.

— Собиқ турмуш ўртоғим вояга етмаган фарзандим учун алимент тўлаб туради. Билишимча, унинг маошидан ташқари қўшимча даромад ҳам бор. Айтинг-чи, ана шу қўшимча даромад ҳисобидан ҳам алимент олишим мумкинми?

С. НИЁЗОВА, Шеробод тумани.

— Суд ижросисига қардорнинг қўшимча даромади ҳақида иш жойидан ва солиқ инспекциясидан маълумотнома ўз вақтида топширилса, алимент миқдори даромадга қўра қўлайлиши мумкин.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сафари қаримаяпти

АҚШ Ироқда америкалик ҳарбийларнинг узокроқ қолиши ҳақида уйламоқда. Бу ҳақда Пентагон раҳбари Роберт Гейтс маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Ироқда ҳам Жанубий Корея ва Япониядаги сингари Америка ҳарбий базалари доимий қолиши мумкин. Бундан олдинроқ АҚШ Президентини Жорж Буш Ироқда террорчиларни бир ёқли қилмагунча ҳарбийлар ўз ватанига қайтмаслигини билдирганди.

Лойиҳа муҳокамага киритилди

Яқшанба кунин БМТ Хавфсизлик Кенгаши Косово масаласидаги резолюция лойиҳасини муҳокама қилишни бошлади.



Мазкур ҳужжатни АҚШ ва Европа Иттифоқи ҳамкорликда тайёрлаган. У БМТ махсус вакили Марти Ахтисаари томонидан ишлаб чиқилган режага асосланган.

Россиянинг БМТ ҲҚдаги доимий вакили Виталий Чуркин расмий Москва ушбу лойиҳанинг қабул қилинишига қарши чиқилиши маълум қилди. Чуркиннинг қайд этишича, агар мазкур лойиҳа овозга кўйилган бўлса, Россия вето ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.


Яна бир кун муҳлат

Украина Олий Радаси мамлакат президенти берган икки кун ичида мuddатидан илгари парламент сайловлари ўтказиш юзасидан керакли қонун ҳужжатларини қабул қилиб улгурмади.

Собиқ генерал қўлга олинди

Ратко Младичнинг яқин ёрдამчиси генерал Толмиер Здравоқ қамоққа олинди. У Гаага трибунали томонидан қидирилаган юқори лавозимли боснияслик сарблардан бири ҳисобланади. Толмиер 1995 йилда Сребреница шаҳрида 8 минг нафарга яқин одамнинг улимида айбланмоқда. Манбада келтирилишича, ҳозирда собиқ генералнинг саломатлиги унчалик яқини эмас.

Айни пайтда Виктор Ющенко парламент мамлакатдаги сиёсий кулларнинг келишувига амал қилмаса, Олий Рада учун 60 кундан кейин сайловлар ўтказиши тавсия қилинди.



Янги иттифок тузилади...ми?

Франция Президенти Никола Саркози ўрта ер денгиз давлатлари иттифокини тузиш ташаббуси билан чиқмоқда.

У бу ҳақда «Politique Internationale» журналига берган интервьюсида қайд этди. Президентнинг фикрича, тузилажак янги иттифок ЕИ билан яқин ҳамкорлик қиладди. Манбада келтирилишича, унинг ташаббуси «катта сақизлик» давлатлари саммитида ҳам муҳокама қилиниши кутиляпти.

Мактублар учун... 65 йиллик қамок

АҚШда аҳолининг миллионлаб электрон манзилларига турли реклама мактублари юборувчи шахс қўлга олинди. 27 ёшли Роберт Солоуэй электрон манзиллардан фидрибарлик йўлида фойдаланганликда ҳамда шахсий маълумотларни ноқонуний қўлга киритганликда айбланмоқда. Бироқ Роберт ўзига қўйилган барча айбловларни рад этмоқда. Дастлабки текширув натижаларига кўра, у 2003-

2007 йилларда ўзининг маркетинг компаниясини реклама қилувчи ўн миллионлаб мактубларни аҳолининг интернетдаги манзилларига жўнатган. У бунини яшириш мақсадида компаниянинг интернетдаги манзилини тез-тез алмаштириб турган. Агар Роберт ўз айбига иқдор бўлса, у 250 минг долларлик жаримага тортилиши ва 65 йиллик қамок жазосига маҳкум этилиши мумкин.

ЖСТга кириш йўлида



Грузия пойтахтида Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши йўлида расмий Москва ва Тбилиси ўртасида музокаралар бошланди.


Муҳокамалар ёпиқ эшик ортида ўтмоқда. Грузия делегациясига мамлакат иқтисодий ривожланиш вазири Уринбосари Тамар Ковзиридзе раҳбарлик қилляпти. Расмий Москванинг билдиришича, шу пайтга қадар Россия мазкур халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиш учун дунёнинг 58 та мамлақати билан музокараларни якунлади.

Иш ўринлари қисқармоқда

Дунёда уяли алоқа телефонлари ишлаб чиқариш жихатидан иккинчи ўринда турадиган «Motorola» компанияси шу йил давомида тўрт минг нафарга яқин ходимини ишдан бўшатажанини билдирди. Шу йил билан компания йилга 600 миллион доллар тежашга эришмоқчи. Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг охири чорагида «Motorola»нинг фойдаси 48 фоизга камайиб кетди.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



БИЗЛАР ИШЛАЯПМИЗ, БУ МЕҲНАТ, ХОЛОС

Юртбошимизнинг ҳикматга айланган қанотли бир гапи бор: «Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун». Дарҳақиқат, мустақиллик йилларидаги янгиланишларнинг барчаси ҳазрати инсон манфаати учун йўналтирилган. Жумладан, жамоамизнинг ҳаммаки савий-ҳаракатлари ҳам Ватан тараққиёти, юрт ободлиги ва турмушимиз фаровонлигига қаратилгандир. Бу ишда бизга Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлисда қабул қилинган қонунлар асосий дастуриламал бўлмоқда. Янада аниқроғи, ҳукуматимизнинг банк тизимини эркинлаштириш ва ислохот қилиш ҳамда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қарорлари ижросини таъминлаш фаолиятимизнинг бош мезонига айланган. Утган давр мобайнида пул маблағларининг банкдан ташқари айлинишини қисқартиришга эришилди. Банкда тўлов тизими такомиллаштирилди, пластик карталардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳажми ортди, кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

«Даромад», «Капитал» омонатлари шулар жумласидандир.

Кредит — тараққиёт мезони

Туманлардаги бўлимлари миз томонидан 2007 йил пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жамғарма маблағлари ҳисобидан 6912,9 млн. сўм, галла ҳосилини етиштириш учун 3569,8 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар ҳозирги кунда ўз самарасини бермоқда. Бу, энг аввало, етиштирилган ҳосил таннархининг пасайишига ва олинган даромаднинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш асосида вилоятда чорва насличилигини ривожлантириш мақсадида 415 бош зотдор қорамол сотиб олиш учун 59 та фермер хўжалигига 695,1 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Утган чорак давомида, шунингдек, молиявий жихатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида пахта санаети тизимидаги шўба корхоналарга банк кредитлари орқали яқиндан ёрдэм берилди. Жумладан, уларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 201500 минг сўм кредит ажратилди. Ҳозиргача 1890444 минг сўм кредит сўндирилди.

Пул билан мўмоала қилишни биласизми?


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб рақамларидан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш маъсулияти бизни янада фаолроқ ишлашга даъват этмоқда. Депозит ҳисоб рақамларидан маблағларнинг узлуксиз берилиши учун филиалларда ташкил этилган заҳира фондлари лимити доирасида нақд пул маблағлари мавжуд бўлиши таъминланмоқда.

Мини банк ва махсус кассалар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш ҳамда коммунал тўловлардан бўлган қарздорликни имкон қадар қисқартириш мақсадида махсус кассалар ишлаб турибди. Ушбу кассалар орқали йил бошидан буён 278123 минг сўм нақд пул қабул қилинди. Жумладан, коммунал хизматлардан тушган тушум 104039 минг сўмни ташкил этди.

Банк ва ислохот

қадар — 349,8 млн. сўм; — жамғармали омонатлар — 1610,6 млн. сўм; — мuddатли омонатлар — 1492000 минг сўм миқдориди.



Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, мuddатли омонатлар миқдори талаб қилиб олинганга қадар омонатларга нисбатан ортган. Бу эса миқдорларнинг банкка ишончи ошаётганидан, банк капитални кўпайтиришдан дарак беради. Жорий йилнинг 1-чораги якуни бўйича ҳам бир неча янги омонат турлари татбиқ этилиб, уларга маблағлар жалб қилинди. «Ҳимоя», «Омад», «Совға», «Муруват», наларига берилди. Вилоят «Ароқиметаминот» бирлашмаси тизимидаги корхоналар ҳам кредитдан бебаҳра қолмади. 2007 йил 1-чораги давомида уларга ажратилган кредитлар миқдори 94000 минг сўмни ташкил этди. Кредитларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг техник базасини бойитиш учун йўналтирилди. Яъни, галла ва пахта ҳосилини ўз вақтида етиштириш ва йиғиб олиш учун фермер хўжалиқларида қишлоқ хўжалиги севякаси, культиватор ва эҳтиёт қисмлар

Ўзингизни бағиз сезманг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдэмчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бўйича фермер хўжалиқлари, яқка тартибдаги тадбиркорларга амалий ёрдэм қўриштириш учун бизга катта йўл очиб берди. Мазкур Қарор бўйича филиалларимиз иштирокида тегиш-

Ишон манфаати — олий қадрият

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида ҳам вилот бошқармаси ва унинг бўлимлари ўз режасини ишлаб чиқилган. Ана шу режаларга мувофиқ, энг аввало, банк тизимида фаолият кўрсатаётган кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда нафақадаги фахрийларга моддий ёрдэм қўрилади. Юртбошимизнинг болалар спортини ривожлантириш бўйича фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида 17 миллион 670 минг сўм маблағ ажратилди. Нафақадаги банк ходимлари (соғлиғини тиклашга дори-дармонлар сотиб олишлари учун) ёрдэм бериб бориш ҳам мазкур режанинг бир бандига кирди. Хуллас, хайли ишларимиз бор ва келажақда уларнинг салмоғини янада ошириш ниятидამиз. Аслида, бу бизнинг бир инсон сифатидаги бурчимиз, қолаверса, ўшбу соҳа мутахассиси сифатидаги маъсулиятли вазифамиздир. Биз шу йўсида ўз вазифамизни адо этилаётимиз, машғур ширимиз таъкидлагандек, «Бизлар ишлаймиз, бу меҳнат, холос».

З. ЭРГАШЕВ, АТ «Пахтабанк» Жазоҳ вилоти бошқармаси бошлиғи.

Футбол

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ ВА БОШҚАЛАР

Бугун пойтахтимиздаги МХСК стадионида ўзбек футболнинг ёрқин юлдузи Миржалол Қосимов ўзининг хайрлашув урғашувини ўтказди. Унда Ўзбекистон миллий ва Евроосий футбол юлдузлари терма жамоалари майдонга тушди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси: Дарвозабонлар — Игнатий Нестеров («Пахтакор»), Павел Бугалов («Курвуч»). Ҳимоячилар — Ислом Иномов, Арор Алиқуллов («Пахтакор»), Андрей Фёдоров («Рубин», Россия), Алексей Николаев («Актобе», Қозоғистон), Виталий Денисов («Днепр», Украина), Ярослав Крушельницкий («Анжлий»), Ашваф Раҳимов («Машъал»). Яқин ҳимоячилар — Тимур Копалев, Сервер Желалов, Элдор Мағдиев («Пахтакор»), Ҳамза Каримов, Ботир Қороев («Машъал»), Азиз Хайдаров («Локомотив»), Химат Хосимов («Насаф»), Павел Солонин («Сатурн», Россия), Мансур Саидов, Икбол Арқамов («Нефчи»), Виктор Карпенко, Жасур Ҳасанов («Курвуч»), Азиз Ибрагимов («Слован», Словакия).

Ҳужумчилар — Улугбек Бақоев («Тобол», Қозоғистон), Александр Гейнрих («Пахтакор»), Жабфар Ирисметов («Алма-ата», Қозоғистон), Марат Бикмаев («Рубин», Россия). Евроосий футбол юлдузлари терма жамоаси: Дарвозабонлар — Алексей Поляков («Локомотив», Россия), Дмитрий Хомич («Спартак», Россия).

Ҳимоячилар — Артур Пагаев («Алания», Россия), Михаил Замлинский («Сконт», Латвия), Николай Ширшов («СКА-Ростов», Россия), Февзи Давлетов («Кризикум»), Сергей Лушан («Курвуч»). Яқин ҳимоячилар — Альберт Саркисон («Терек», Россия), Андрей Каряка («Сатурн», Россия), Али-Ризо Мансурян («Сайпа», Эрон), Виталий Дараселдия («Шхтер», Қозоғистон), Александр Чайка («Днепр», Беларус), Андрей Тихонов («Химки», Россия).

Ҳужумчилар — Али Дайн («Сайпа», Эрон), Мустафо Муборак («Катар СК», Катар). Рўйхатда узғаришлар бўлиши мумкин.

З. ЖОНИБЕКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АҲБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибда лицензиялар бериш учун танлов эълон қиладди.

Table with 3 columns: Частота, Узаткич қуввати, Тарқатиш ҳудуди. It lists radio frequency bands and their characteristics for licensing.

Танлов ўтказиш мuddати — 2007 йил 3 август соат 11.00 да. Танлов ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-«А» уй, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносидаги мажлислар зали.

Буюртмалар учун аризалар қабул қилиниши бошлаш мuddати — 2007 йил 5 июнь. Буюртмалар учун аризалар қабул қилиниши тугаш мuddати — 2007 йил 4 июль.

Маълумот учун телефонлар: 139-84-57, 139-46-13, 139-46-04. Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомаларга илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиғи (www.aci.uz), Давлат алоқа инспекцияси (www.gis.uz) веб-сайтларида танишишигиз мумкин.

Advertisement for 'Uzbekistan Republic Fan Club' featuring Raхmonkul Karimovich Karimov, a professor and doctor, who is the author of a book on fan culture.

Мулкни сотишда, сотиб олишда, ижарага беришда, гаровга қўйишда, солиқларни аниқлашда унинг ҳақиқий баҳосини билиш мақсадга мувофиқдир.


Сизда ана шундай эҳтиёж туғилса, «MULK-BAHO» масъулияти чекланган жамиятига мурожаат қилинг.

Жамият кўчмас ва бошқа турдаги барча мулкларни мустақил, ҳолисона баҳолаш билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида корхона асосий воситаларини қайта баҳолашни ҳам амалга оширади.

Баҳолаш Ўзбекистон Республикаси баҳолаш стандартлари, халқаро тан олинган стандартлар асосида бозор ҳамда нобозор усуллар ёрдамида амалга оширилади.

«MULK-BAHO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг барча турларини тез, юқори сифатли ва ҳолисона баҳолайди. Сизга юқори савияли кўп йиллик тажрибага ва профессионал баҳоловчи шаҳодатномасига эга бўлган мутахассислар унча қиммат бўлмаган нархларда хизмат кўрсатилади.

Манзил: 700011, Тошкент ш., М-14, 3/30-уй. Мурожаат учун телефонлар: 144-58-65, 104-99-32, 402-35-32. Факс: 144-58-65. E-mail: bahotn@rol.ru, tuychiev\_nd@mail.ru WWW: mulk-baho.narod.ru



# Кўнгил жиёбони

БЕРУНИЙ ХИКМАТЛАРИ

- Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайдиган нарсадан бошқасига эътибор қилмайди.
- Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақлидир.
- Миннат қилиш берилган эҳсонни йўққа чиқаради.
- Ўз истагига эришишга тақдир ёрдам бермаган кишига маломат қилинмайди.
- Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликини ҳам қабул этмайди.
- Хаддан ортиқ ғазаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган лутф обрўни кетказди.

## Баланд-баланд куй чалгим келар...

### Бир аёл бор

Биродарлар,  
Маҳаллангизда  
Бир аёл бор —  
Бефарзанд аёл.  
Кўп кўзимас... ийманар сиздан,  
Оғриқлари ўзига аёл.

Манглайига сингиб кетган  
Кечалари милт-милт эрийди.  
Эри яхши кўради... афсус...  
У ҳам яхши кўрар эрини.

Бир мискин у... ҳаётнинг барча  
Даввосига жимгина кўнган.  
Бир мискин у... бевафоларча  
Келажаги ўтмишга дўнган.

Биродарлар,  
Ҳақ ҳукми етиб,  
Қаболари ёпилар куни —  
Мозорига бешикда элиб,  
Алла айтиб кўминлар уни!..

### Кўнғирок

Бир-бирдан яширар тушин,  
Яшайдилар бир-бирин асраб.  
Тушунди хатто говмуши,  
Берар эккан оқина ҳасрат.

Чап кўксимда — нафис кўнғирок,  
Кеча-кундуз тинмай куй чалар.  
Ухломмайман бир лаҳза... Бирок  
Донг қотади узун кўчалар.

Балки етиб бормасми уни —  
Бўғриқиб, оҳ, кучангим келар.  
Кўкрагимдан узволиб уни,  
Баланд-баланд куй чалгим келар...

### Ташриф

Хонамни бир хушбўй  
ифор тўлдирар —  
Тўлқиндай уриллар фаранг атири.  
Шу ҳид мени қайта-қайта ўлдирар,  
Шу ҳид билан яна қоламан тирик.

У келар... Бир дунё қувонч оламан,  
У кетар... Бўғади яна тор муҳит.  
Эртагача, шукур, омон қоламан.  
Эртагача менга озуқа — шу ҳид...

### Дил рози




Балки сен ҳам уйғониб шул дам,  
Мен ҳақимда кўшиқ куйладинг.  
Безовтаман, эҳтимол, шундан,  
Кучоғимда тунги куйлагинг.

Бир исларки — севгига йўрғак,  
Кўкрагимга оғир ботади.  
Энди уни яланғоч юрак  
То тонгача кийиб ётади...

Нодир ЖОНУЗОҚ

### Мутолаа



— Зўр-а...

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат-лавҳа.

## Бировнинг ҳақи ёмон

— Бу дунёда тош қўйган тошини,  
ғишт қўйган ғиштини олар-  
кан-да, — деб қолди Садриддин  
ака чойхонада, тол тағидаги,  
шундоқ анҳорнинг устига қўйил-  
ган соя-салқин сўрида уч-тўрт  
маҳалладош чақчақлашиб ўтирар-  
канмиз.

— Кўрганман дейсиз-да, —  
одатича гурунг чўғига «тараша»  
ташлади Абдурахмон муаллим.  
— Киши ҳақига хиёнатнинг,  
қаллоблик, нопокликнинг оқибати  
жуда хунук бўларкан. Тавба,  
дейин-у, бунга ўз кўзим билан  
кўрдим.

— Хўш-хўш? —  
— Ўтган йили биласизлар,  
Оромдан кимосида ер участкаси  
олиб, тўнғичимга уй қурдик,  
Хайдовчи ва олд ўриндаги киши  
афтидан беҳуш кўринади.  
Машинанинг пешойнасига қон  
сачраган.

— Раҳмат, ука, — аранг сас  
берди орқа ўриндаги тижлиб  
ётган йулчиладан бири, —  
қани, қўлимдан тортиб юбор.  
Кейин икковлашамиз.

та оёғим ўша ерда. Бориб-келиб  
юрбид десангиз, не машаққат билан  
олиб борганим ёғоч-тахта-  
нинг, яна бошқа қақир-қуқурлар-  
ниг баракиси учиб бораётганини  
сезиб қолдим. Юрагимга шубҳа  
оралади. Наҳот, уста?..  
Э, йўқ, дейман.  
Ўлибдими, дейман.  
Ахир, кўзинг билан кўриб,  
қўлинг билан тутмагунча бировни...  
Гуноҳи азим-а!

Ана шундай юрагимга гумон  
оралаб юрган кўнларнинг бири-  
да устаси тушмагур лоп этиб  
қўлга тушиб қолса бўладими?!

— Йўқ-е!

— Ҳа-да. Ҳар куни кечда хо-  
тиржам борадиган одам ўша куни  
юрагим алағда бўлди-ю, бомдод-  
ни ўқибок жўнавордим. Сўбҳи со-  
дик. Кун энди ёришиб келаётган

пайт денг. Участкага бурилиш  
йўлида узоқдан велосипед мин-  
ган одам мен томонга шитоб билан  
келаверди. Ким экан тонг чамаси  
ҳарлаб йўлга чиққан, деб мен ҳам  
боравердим. Яқинлашганча, қара-  
сам, уст! Мени таниб,  
ишонсангиз, ранги кўкариб, кўзи  
косасидан чиққандай бўлиб,  
велосипедни бошқаролмай қолди.

Шошганидан ёнбошга тойиб кетди.  
Орқадаги қўннинг озги очилиб  
кетди, тўрт-беш банка бўёқ,  
сув қоғозга ўроғлиқ алланарса  
шундоқ асфальтга топилаб тушди.  
Очиб қарасам, кеча келтириб  
холодильникка қўйганим икки  
кило лаҳм гўшт! Нима деярми  
билмай қолдим. Устанинг лавла-  
гиси чиқиб кетган, кўзини ердан  
узмай турибди...

Уша кўннинг ўзида уйи қора

уста шоғирд-поғирди билан доф  
бўлди. Бошқа устани ишга со-  
лишимизга тўғри келди.  
Орадан икки ойлар чамаси  
ўтиб, бизнинг участкадан сал на-  
рида қурилаётган уйда бирдан  
ғала-ғовур кўтарилиб қолди.  
Кимдир ўша томон юрганча  
ўтди.

— Тинчликми? — дедим.  
— Э, биттаси томдан қулаб ту-  
шибди! — деди у.

Маҳаллалчилик. Борай дедим.  
Бордим. Тумонат одам. Иккинчи  
қаватда шифер қоқаётган уста  
ерга орқа мияси билан тушиб-  
ди. Оломон орасидан ёриб ўтиб,  
кўзи тепасига ботганча ётган,  
тирикликдан нишона йўқ кишига  
қарадим-у титраб кетдим. Бу  
бизникида ишлаб, «хўнар» кўр-  
сатиб кетган ўша уста эди...

Гурундошлар бир зум сукут  
сақлаб, ҳаёлга чўмдик.

Азамат АҲАДОВ.

## СИНОВ МУДДАТИ

### Хикоя

Собир елка қисиб, ерга қаради.

— Шартларингизга тўғри келмайман.

— Армияга бормаган, салпал соғлиги чокчокроқ, — шошапиша қўшиб қўйди Жасур ҳам.

Масъул киши алланечук таажуқланиб дўстларга бир-бир кўз югуртириб чикди.

Мана, ўша кўндан бери роп-пароса икки ой ўтди. Жасурнинг минг бир чияриққа солишиди, ҳарқалай, у «бутун» чикди.

Бугун эса бир талай хизматга киришга чоғланган ёш-яланглар қатори Жасурни ҳам сўхбатга чорлашган экан. Икковлон эрталаб етиб келишиди. Ниҳоят...

— Роса қойил қилдим-да, ўзини, — деб мактанарди Жасур ҳануз қувонганидан қайнаб, — сўхбат олаётган бошлиқларнинг озги очилиб қолди.

Ҳа, Жасур чиндан ҳам сўхбат чоғи гапни эшиб ташлаган эди. Хатто узун стол орқасида қатор ўтириб бўлгуси ходимини кетма-кет саволга тутабган масъуллар ҳам анчайин шошиб қолди.

— Яхши, — деди ниҳоят тўладан келган, тепакал бошлиқ, Жасурнинг ҳужжатларига алланечук қўриқиб қайтди, — чиройли гапларнинг яримгинасини амалда кўрсатсангиз ҳам сиздан тузуқ хизматчи чиқади. Хўп, ҳозирча синов муддати билан

Жасур орқа-олдига қарамай, қоқила-сурила уйига етиб олди. Оёқ-қўллари дағ-дағ титрар, юраги бежо урар эди. У ўзини босиш учун ҳовлидаги жумракдан ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичди. Юзига ювди. Шу пайт ичкаридан онаси отилиб чикди.

— Жасуржон, келдингми, болам, шўримиз қисиб қолди! — Ҳа, тинчликми?! — Онаси шўр-шўрқ йиғлаб юз-кўзига рўмолини босди.

— Дадан таксида келаётиб аварияга учурди. Ҳозир касалхонадан телефон қилишди. Юра қол, тезроқ борайлик. Айтганча, Собир журанг ўша ерда экан. Барака топсин.

— А, нима? — Ҳангу манг қотган Жасурнинг бўзидан аранг шу сас чикди. У кўз ўнги қоронғилашиб деворга елка тираб туриб қолди.

Луқмон БҮРИХОН.



Бир одам ҳар куни кафега кириб икки рюмка виски буюрар экан ва: — Биринчисини ўзини учун, иккинчисини

## ЛАТ ИФАЛАР

ни Португалияга кетган дўстим учун ичаман! — дер экан.

Бу ҳол ўн кун давом этибди. Бир куни кафега кирибди-да, фақат бир рюмка виски буюрди. Ҳамма жим, ҳайрон.

— Нима бўлди, Португалияга кетган дўстингиз вафот этибдими? — сўрабди соқий.

— Йўқ, Докторлар менга ичганини мен қилишди, ярамастар... — Сиз менинг касаллик варакамга «х.ш.б.» деб ёзибсиз. Тушунмадим, бу нима дегани?

— Худо шифо берсин, дегани.

— Хотинингиз чўкаётганда нега кўтқариб олишга ҳаракат қилмадингиз?

— Мен унинг чўкаётганини билмадим. Ҳар кунги қичқирини, деб ўйлабман...

— Оғзингизни бунча

катта очаверманг!

— Тишингизни оламан, дейясиз-ку, ахир.

— Тўғри, оламан, лекин ўзини ташқарида тураман-ку...

Тўловчи: Н. ҲАМРОВ.

### Халқ сўзи Народное слово

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

#### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жаъшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орплов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — О. Файёев. Муассислар — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.30 2 3 4 5 6